
Умидли боксчимиз Санкт-Петербурдан муносиб ғалаба билан қайтди
Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси куни-кеча Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида халқаро жамоавий мусобақада иштирок этиб қайтишди.

2005-2006 йилларда туғилган боксчиларимиз 18-24 февраль кунлари Россиянинг Шимолий пойтахтида жамоавий мусобақада жанглар ўтказишди.



Қувонарлиси, мазкур терма жамоа сафида Ўзбекистон тумани 49-умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчиси Бунёдjon Амиров ҳам бўлиб, умидли боксчимиз ўзига билдирилган ишончни оқлади.

Ёш чарм қўлқоп устаси Бунёдجونнинг илк устози, Рапқон бок мактаби мураббийси Оқилжон Саидовнинг маълум қилишича мазкур халқаро жамоавий мусобақада терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган.

Тумандошимиз Бунёдجون Амиров эса 60 кг вазнда якка тартибдаги 3 та жангларда иштирок этиб биринчи ўринни қўлга киритган.



Туманнимизнинг яна бир фахри бўлган Бунёдجونнинг ушбу ғалабаси билан ҳам нафақат ўзи, балки унинг мураббийлари ва оила аъзоларини самимий қутлаб, унга келгусидаги мусобақаларда улкан зафарлар тилаймиз!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-02-27 00:15:14